Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 8 апрель, шанба №43 (21.806.) Сотувда эркин нархда.



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Уилям Перри раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлади. Ўзбекистон АҚШ билан муносабатларни ривожлантиришга, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади.

АҚШ мудофаа вазири самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётганига юксак баҳо беришини айтди.

Ўзаро суҳбат чоғида, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг бориши, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-техник ва мудофаа соҳаларида ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, республика Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, адлия вазири А. Мардиев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

***

Президент Ислом Каримов ва АҚШ мудофаа вазири Уилям Перри ўзаро музокаралардан сўнг ўзбекистонлик ва чет эллик журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА).

Ўзбекистонга расмий ташриф муносабати билан

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СУХАРТО

1921 йил 8 июнь куни Кемусуда туғилган (Жокярта вилояти).

Ҳарбий таълимларни қуйидаги ўқув юртларида олган: 1943 йилда Гомбонгдаги ҳарбий билим юрти (Марказий Ява), 1959 йилда Бандунгдаги (Ғарбий Ява) олий ҳарбий коллежни тугаллаган.

1960 йил — армия штаби бошлиғининг ўринбосари, ўриндошлик бўйича Индонезия армиясининг заҳирадаги биринчи корпуси қўмондони.

1961 йил — Индонезия армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари қўмондони.

1962 йил — Ғарбий Ирианни озод қилиш учун бўлган урушда иштирок этган қўшинлар гуруҳи қўмондони.

1963 йил — Индонезия армияси стратегик кучлари қўмондони.

1966 йил — вазир, Индонезия Қуролли Кучлари бош қўмондони.

1966 йил — Халқ ишончи маҳкамаси ҳайъати раиси, мудофаа ва хавфсизлик вазири, вазир — Индонезия Қуролли Кучлари бош қўмондони.

1967 йилда — муваққат халқ консултатив ассамблеяси декретига биноан Индонезия Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи этиб тайинланган.

1968 йилдан буён — Индонезия Республикаси Президенти.

1993 йил март ойида Индонезия халқ консултатив ассамблеясининг якдил қарорига биноан олтинчи марта беш йил муддатга Индонезия республикасининг Президенти этиб сайланган.

Уйланган, олти фарзанди бор

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

ЭЛЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

7 апрель куни Узбекистон Президенти Ислом Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Пол Бернни унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Ислом Каримов Узбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар ривожидан мамнуният изҳор этар экан, элчи жанобларининг бу алоқалар мустаҳкамланишига қўшган ҳиссасини юксак баҳолади. Халқларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш йўлида курсаттан хизматлари учун унга миннатдорлик билдирди.

— Умид қиламанки, — деди юртбошимиз, — Буюк Британияга ташриф чоғида имзоланган муҳим ҳужжатларни амалга татбиқ этишда мамлакатингизнинг Узбекистондаги элчихонаси муносиб ҳисса қўшишда давом этади.

Элчи самимий қабул ва уз шаънига билдирилган илиқ сўзлар учун Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

— Узбекистондаги фаолиятим давомида мен ҳаётимдаги энг бахтиёр кунларни кечирдим, — деди Пол Берн. — Бу ердан ажойиб таассуротлар ва эзгу туйғулар билан қайтмоқдаман. Буюк Британия билан Узбекистон ўртасидаги муносабатлар бундан буён янада равнақ топишига ишонаман.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Ҳиндистон Республикасининг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Далип Мехтани ҳам унинг илтимосига биноан қабул қилди.

— Сиз орқали бутун Ҳиндистон халқига ва мамлакатингиз ҳукуматига Узбекистон халқининг самимий тилакларини билдирмоқчиман, — деди Ислом Каримов. — Чунки Ҳиндистон мамлакатимиз мустақилликка эришган илк кунларда унинг истиқлолини биринчилардан бўлиб тан олди. Буюк аждодларимиз боғлаган ҳамда биз ҳақли равишда фахрланадиган дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишида Сизнинг ҳиссангиз борлигидан мамнунман. Умид қиламанки, доимо мамлакатимизнинг дўсти бўлиб қоласиз.

Далип Мехта жаноблари ўзига билдирилган ҳурмат, элчилик фаолияти давомида яратилган шароитлар учун Узбекистон раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Мамлакатимиздан хуш таассуротлар билан қайтаётганини таъкидлаб, Ҳиндистон билан Узбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик абадий ривожланиб боришига ишонч билдирди.

Қабул маросимларида Узбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

ҚУТЛУҒ САНАГА ҲОЗИРЛИК

Жаҳон тарихидаги буюк сиймолардан бири, улуғ давлат арбоби ва саркарда, фан ва маданият ҳомийси Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган эди. Унда мазкур қутлуғ сана 1996 йил октябрь ойида кенг миқёсда нишонланиши қайд этилган. Бу, шубҳасиз, улуғ бобокалонимиз хотирасига бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром намунасидир.

Қарорда, жумладан, соҳибқирон номи билан боғлиқ обидалар, қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштиришга алоҳида эътибор бериш таъкидланган, республика маданият ишлари вазири ўринбосари Баҳодир АБДУРАҲИМОВ билан ана шу ишлар қандай амалга оширилаётгани хусусида суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз миқёсида ўтажак мазкур тантаналарнинг маънавий аҳамияти хусусида қисқача тўхталсангиз.

— Ватанимиз истиқлолга эришгач, муқаддас заминимизда яшаб ўтган улуғ аждодларимиз хотирасига катта эҳтиром кўрсатилаётир. Шу маънода халқимиз олдида турган мазкур қутлуғ сананинг маънавий жиҳати беқиёсдир. Барча хайрли ишлар каби бу тадбирга ҳам юртбошимиз Ислом Каримовнинг бош-қош бўлаётгани айниқса ибратлидир. Мустақиллик берган неъматларни санаб адоғига етиш мушкул. Буюк бобомиз номини яқин-яқинларда ҳам ҳатто тилга олиш тақиқланганини эсласак, ул зотнинг нишонланажак муборак тўйи нечоғли улкан қувончли воқеа эканини янада теран ҳис этамиз.

Тошкент шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиши маросимида юртбошимизнинг халқимизнинг буюк бобокалонимиз хотирасига бўлган эҳтиромини бутун жумлаи жаҳонга намоён қилиб айтган қуйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир. «Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир». Зотан, Амир Темур халқимиз учун ғурур ва буюклик тимсолидир. Алқур қарор ижроси юзасидан аниқ тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган, ҳозирги кунда улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Маданият ёдгорликлари бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси Амир Темур номи билан боғлиқ обидалар ва қадамжоларни таъмирлаш, консервациялаш ва ободонлаштириш юзасидан 1995—2000 йилларда амалга ошириладиган дастур тайёрлади. Унда белгиланган ишларни икки босқичда бажариш мўлжалланган. Биринчи босқич 1995—1996, иккинчи босқич 1996—2000 йилларни ўз ичига олади.

Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз шаҳарларидаги юбилей иншоотларини босқичма-босқич таъмирлаш бўйича иш жадвали тасдиқланиб, масъул ташкилотларга иш бажариш муддатлари белгилаб берилди ва амалий ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

Бу ишларда маданият ёдгорликлари бош илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси тасарруфидаги Ўзбектаъмиршунослик институтининг «Меъмор» бирлашмаси, Самарқанд, Қарши Шаҳрисабз шаҳарларидаги илмий-таъмирлаш устахоналари айниқса фаоллик кўрсатмоқда.

Дастурга биноан Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасининг жанубий қисми, зиёратхона, ҳовли тарзлари таъмирланади ва ободонлаштирилади. Бир вақтнинг ўзида келгуси йил октябрига қадар мақбаранинг ички қисми безаклари ҳам тикланади. Шаҳардаги Бибихоним масжиди, Оқсарой мақбараси, Шердор мадрасаси, Шоҳизинда ансамблидаги Қусам ибн Аббос мақбараси ва унинг теварак-атрофи, Самарқанд атрофидаги боғларни тиклаш, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Дорус саодат мажмуаси, Қаршидаги Кўк гумбаз масжиди, қадимги ҳаммом, Термиздаги Султон Саодат меъморий мажмуи каби жами 24 та юбилей объекти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида музей барпо этиш юзасидан тайёргарлик ишлари шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, юбилейга қадар ҳамда 2000 йилгача амалга оширилажак ишлар кўлами жуда катта. Уларнинг вақтида бажарилишига шубҳа йўқ.

—Вазирлар Маҳкамасининг қарорида Амир Темур шарафига ёдгорлик мажмуи барпо этиш ҳам кўзда тутилган. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Вазирлигимиз вилоят ҳокимликлари, Меъморлар уюшмаси билан ҳамкорликда буюк соҳибқирон шарафига Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида ёдгорлик мажмуи барпо этиш учун очиқ танлов эълон қилди. Унинг шартлари, низоми, ҳакамлар рўйхати матбуотда эълон қилинган. Кўрик-танлов шу йилнинг иккинчи чорагида якунланади. Шундан сўнг қурилиш ишлари бошланади.

Шуҳрат УМИРОВ суҳбатлашди (ЎзА).

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг йиллик мажлиси бўлди. Унда республика қишлоқ хўжалик академияси Президенти вазифасини бажарувчи С. Усмонов академиянинг ўтган йилги илмий-амалий фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Олимлар қишлоқда бозор иқтисоди ва кўп тармоқли ишлаб чиқаришни вужудга келтириш, чорвачилик ва деҳқончилик тизимини такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини оширган ҳолда, ер, сув, меҳнат сарфини тежайдиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг замонавий технологиясини яратди. Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва Орол бўйидаги экологик вазият оқибатларини енгиллаштириш муаммоларини илмий жиҳатдан ҳал этишда фаол иштирок этди. Академиянинг иқтисодчи олимлари Қорақалпоғистон Республикаси мисолида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тадбирларини ишлаб чиқди.

Мажлисда сўзга чиққанлар ўлкамизда пахта яккаҳокимлигига барҳам берилгани ҳақида гапирди. Ғаллакорларимиз суғориладиган ерларда ўстирилаётган бошоқли экинлардан юқори ҳосил кўтаришга аҳд қилган. Академия олимларининг илмий изланишлари самараси ўлароқ, Республикамизнинг беполён далаларида буғдойнинг ўнлаб янги навлари экилди.

Ўтган йили пахтачилик соҳасида 4 ва 5 типдаги навлар яратилди. Вильт касалига чидамли ва кам сув талаб этадиган ғўза навларини яратиш борасида илмий изланишлар давом этди. Шуниси диққатга сазоворки, республикамиз экин майдонларининг 80 фоизида академия олимлари яратган ғўза навлари экиляпти.

Мажлисда Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг янги устави қабул қилинди.

(ЎзА).

КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Хайрия

КЎНГИЛ КЎНГИЛДАН СУВ ИЧАР...

ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташаббуси билан Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли мусиқали драма театрида хайрия кечаси уюштирилди.

— Бу тадбирни ташкил этишдан мақсад, — дейди жамғарма раиси Р. Раҳимов. — Ногирон ва кам таъминланган кишиларга саховат қўлини чўзиб, хайрия улашишдир.

Кечага «Шўртангаз» конлари бошқармаси, «Қаршииндустрия» бирлашмаси, Қарши шаҳридаги «Ҳилол» кичик корхонаси, ёғ-экстракция заводи, шаҳар ҳокимлиги ва ХДП шаҳар кенгаши ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Тўпланган 60 минг сўмлик маблағ савобли ишлар учун тақсимланди.

Илҳом КАРОМОВ.

Ҳамкорлик

ВОСИТАЧИЛИК ЁРДАМИДА

БУХОРО шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Нурмуҳамедов бошлиқ вилоят вакиллари Мордовия сафарида бўлишди.

Сафардан мақсад «Мордовия — Бухоро» савдо-саноат уйининг таъсис йиғилишида қатнашиш эди. Мордовия томонидан таъсисчилар таркибига «Сарэкс», «Сартекс», «Саранскабель», «Лисма», «Менатэп» каби йирик корхоналар ва банклар киритилди. Йиғилишда Мордовия Республикаси иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Л. Майоров, Бухоро туманидаги «Даврон» фирмасининг бошлиғи К. Давронов ҳамраислик қилишди.

Саранск ва Бухорода савдо уйи очиладиган бўлди. Воситачилик ёрдамида бухороликлар ипгазлама, мармар, вино, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мавоза усулида экскаватор, электр ёритгич ускуналари, рўзғор буюмлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, темир қувурлар, ёғоч-тахта ва бошқа маҳсулотларга алмаштирадилар. Шунингдек, бухороликлар Белорусь пойтахтида ҳам бўлиб, Фрунзе тумани раҳбарлари билан ҳам шундай савдо-саноат уйи тавсия этиш тўғрисида келишдилар.

Нусрат НАИМОВ.

Ишбилармонлик

КОРХОНА ОЁҚҚА ТУРМОҚДА

АНДИЖОН (мухбиримиздан) Қаддини ростлаб, боқимандаликдан қутилаётган корхоналар кўпайиб бормоқда.

Ўз аравасини ўзи тортиш осон кечмаётир. Шунга қарамай, самараси кўзга ташланмоқда. Хусусан, Қорасув паст кучланишли электр буюмлари заводи жамоаси бу борада ибрат кўрсатмоқда. Андижон «Электроаппарат» заводининг филиали ҳисобланган бу корхона истиқлол туфайли Ҳамдўстлик мамлакатларидаги эски ҳамкорлари билан яна алоқани йўлга қўйди. Қарийб 30 фоиз маҳсулот мавоза йўли билан келтирилмоқда. Бундай ҳамкорлик эвазига келтирилаётган хом-ашё ва қурилиш материаллари завод эҳтиёжига ишлатиляпти. Бу ерда қулф ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тикувчилик цехи очилиб, ишчи кийимлари тайёрланмоқда. Бу маҳсулотлар харидоргирлиги билан эътиборни тортмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Қулайлик

УЗОҚДАНМАС, ЯҚИНДАН КЕЛТИРИЛЯПТИ

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Маржонбулоқ шаҳрида нон ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Илгари нон 30 километр узоқдан келтирилади. Энди корхонада кунига турли нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Яқинда бу ерда макарон ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

— Аҳолини кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга ҳаракат қиляпмиз, — дейди шаҳар ишчилар таъминоти бўлим бошлиғи М. Каримов. — Ҳозир еттита савдо шохобчаси ишлаб турибди. Уларда бир йилга етадиган зарур товарлар ғамлаб қўйилган. Урганч ёғ-мой заводидан 10 тонна совун олиб келиш ҳақида шартнома бор. Маҳсулотнинг дастлабки 2 тоннаси савдога чиқарилди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

9 апрель — Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси куни

ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ

Қорақалпоғистон Конституцияси мустақил Ўзбекистоннинг асосий Қонуни — биринчи Конституцияси асосида юзага келган, Ўзбекистон боғининг Қорақалпоғистон деб номланувчи умидли ниҳолининг ҳуқуқлар ва бурчлар мажмуаси, ҳаёт дастуридир. Қорақалпоғистоннинг ривожланиши Ўзбекистон Конституциясида ўзининг ҳуқуқий кафолотини олгани билан ифодаланади. Ўзбекистон Конституциясининг XVII бўлими 70—74 моддаларида бу ҳуқуқ қатъий белгилаб қўйилган. 71-моддада шундай дейилган: «Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга».

Бу собиқ советлар давридаги автоном область, автоном республика номини олган ҳуқуқ нормалари фақат қоғозлар юзида қолиб кетган асосий қонун эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси томонидан тан олинган ва ўсиб ривожланиши кафолатланган ҳақиқий биринчи Асосий Қонунидир.

Конституция асосида Қорақалпоғистон халқининг ваколатли органи бўлган Жўқорғи кенгеси сўнгги икки йил ичида элликдан ортиқ қонунлар қабул қилди. Ижроия органи бўлган Вазирлар Кенгашининг фаолиятини такомиллаштириш, суд органлари ишини тартибга солиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари, жамоат бирлашмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишда парламент Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий йўналишларга асосланмоқда.

Асосий қонунимизда Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши ва уларнинг ривожланиши учун зарур шароитлар яратиб берилиши кафолатланган.

Ҳозирги вақтда республикада қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, рус тилларида газеталар чиқмоқда. Ҳар бир миллат вакилига ўз она тилида билим олиш, миллий маданиятини ривожлантириш имкони берилган. Корейс, қозоқ миллий марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий ҳаётимизда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Сўнгги бир-икки йил ичида кичик корхона ва цехларни ҳисобламаганда, Кўнғирот, Нукус шаҳарларида ун комбинатлари, КАТЕКС ва ЭЛТЕКС каби замонавий тўқимачилик мажмуаларининг ишга туширилиши Қорақалпоғистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Тахиатош ГРЭСининг қайта жиҳозланиши, қурилиши бошланган узунлиги 340 километр бўлган Тўртқўл — Ленин йўли темир йўли ва 330 километр масофалик Кўнғирот — Бейнау автомобиль йўлларининг ишга туширилиши табиий бойликларимиздан кенгроқ фойдаланиш орқали саноатни юксалтириш имконини яратади. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг Кўнғирот шаҳрида Марказий Осиёда ягона бўлган сода заводининг қурилишини бошлаш тўғрисидаги қарори ҳукуматимизнинг қорақалпоғистонликларга бўлган ғамхўрлигидан далолатдир.

Халқимиз юртнинг юксалиши жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги билан узвий боғлиқ эканлигини яхши биладилар. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қабул қилаётган барча қонунлари, уларнинг ижроси юзасидан ташкилотчилик ишлари шу муқаддас мақсадларга бўйсундирилган.

Обрўли муаммолари, экологик вазиятни соғломлаштириш масалалари ҳозирги кунда барча ватандошларимизни ташвишга солаётган катта муаммолардандир. Ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, Ўзбекистон ҳукуматининг экологик офатнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор бераётганидан биз чексиз миннатдормиз.

Президентимизнинг қишлоқ хонадонларини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармонининг амалга ошириш юзасидан олиб борилган ишларимиз ва ҳукуматимизнинг Қорақалпоғистонда экологик вазиятнинг соғломлаштириш борасидаги ёрдами туфайли 1990—94 йиллар мобайнида аҳолининг 20 фоизи табиий газ билан таъминланади, бугунги кунга келиб халқимизнинг 80 фоизи табиий газдан, 55 фоизи тоза ичимлик сувидан фойдаланмоқда.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда кенг кўламли қурилиш ишларини олиб бориш учун катта маблағлар ажратилди, улар ҳисобидан халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа иншоот ва бинолар, сув, коллектор, дренаж тармоқлари, экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилган муҳим объектлар қурилди ва қурилмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси ва жонкуярлиги боис бу муаммо минтақа доирасидан чиқиб, халқаро аҳамият касб этади. Қорақалпоғистонга кўплаб хорижий давлатлардан мутахассислар, олимлар, тадбиркорлар келиб вазият билан яқиндан танишиб, ўзларининг маслаҳатларини, таклиф ва мулоҳазаларини, амалий ёрдамларини бермоқдалар.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, Орол денгизини сақлаб қолиш, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида кучларни бирлаштириш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш лозимлигини англаб етганлиги ва шу мақсадда Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма ва давлатлараро Кенгаш ташкил этилганлиги бизни қувонтиради.

Давлат раҳбарларининг Қозоғистон Республикаси Қизил Ўрда, сўнг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларидан кейин Орол муаммоларини ҳал этиш, экологик таназзул минтақасидаги аҳоли турмушини яхшилаш борасида ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Шу йилнинг 3 март куни Туркманистон Республикасининг Тошҳовуз шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувларида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар кенг таҳлил қилиниб, янги вазифалар белгилаб олинди.

Президентимиз И. А. Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Орол муаммоларига алоҳида тўхталиб, бу масалани ҳал этишга доир халқаро конференцияни Нукус шаҳрида ўтказишни таклиф этган эди. Тошҳовуз шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда бўлажак анжуманни шу йилнинг сентябрь ойида Нукусда ўтказиш тўғрисидаги юртбошимизнинг таклифи маъқулланди. Унга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу анжумандан ҳам умидимиз катта.

Албатта, кўп нарса ўзимизга боғлиқ эканлигини яхши биламиз. Барча имкониятлардан фойдаланиб республикада санитария-эпидемиологик вазиятни яхшилаш, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бораяпмиз.

Қорақалпоғистон халқи, барча меҳнаткашлари Конституция қабул қилинган куннинг икки йиллигини нишонлар эканлар, ўзлари туғилиб ўсган юртга бўлган меҳр-муҳаббат, Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида Президентимиз олиб бораётган хайрли ишларга юксак ишонч билан қарайдилар.

Ўзбекистонимизнинг улкан ва серҳосил боғи гуркираб ривожланар экан, бу боғдаги умидли ниҳол — Қорақалпоғистон ҳам гуллаб-яшнагай, иншооллоҳ!

Р. ЙЎЛДОШЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари.

Қандай яшаяпсиз, партиядошлар?

ҲАМКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Ҳамкорликда ҳосият кўп. Туманимиз партия ташкилотлари ўз ҳаракатларини ана шу мақсадга қаратганлар. Ҳокимлик ва бошқарувнинг бошқа тизимлари билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар амалга оширилаётир. Айниқса, аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий тушунтириш ишларини олиб бориш анъанага айланди.

Яқинда 28-ўрта мактабда шундай учрашув бўлди. Унга Қудуқли, Зарафшон, Қораариқ, Найман маҳаллалари вакиллари, шу атрофдаги мактабларнинг ўқитувчилари, аълочи ўқувчилари таклиф этилдилар. Жомбой қишлоғидан етишиб чиққан олим, Самарқанд университети ўқитувчиси Ж. Қўчқоров таълим-тарбиянинг бугунги аҳамияти ҳақида гапирди.

Туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Ш. Хўжақулов, мудофаа ишлари бўлими бошлиғи В. Ражабов, ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари М. Эргашев ўз тармоқларининг жамият ривожидаги ўрни хусусида мулоҳаза юритдилар, тўпланганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар. Камина ушбу йиғилишда мустақилликни ҳозирги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамиятда тутган мавқеига тўхталдим. Партиямизнинг ҳамкорликни кучайтириш, миллий мафкурани шакллантириш борасидаги амалий ҳаракатларни айтиб ўтдим.

Бундай тадбирлар Деҳқонобод маҳалласидаги Ёшлар уйида ҳамда 46-мактабда ҳам ўтказилди. Тадбирларни уюштириш ва мазмунли ўтказишда А. Раҳмонов, Б. Холмонов, И. Ҳамдамов, А. Қодиров, А. Давлатов, М. Ҳазратқулов, Қ. Ғуломов сингари фаолларимиз ташкилотчилик кўрсатмоқдалар. Шу сабабли партиямиз сафи мустаҳкамланиб, унинг нуфузи ортиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда туманда фаолият кўрсатаётган 48 та маҳалланинг 20 га яқинида ҳудудий партия ташкилот тузилган. Умуман, бошланғич ташкилотлар сони 70 тага етди. Партия аъзолари сони эса 2 минг нафардан ошди.

Бугина эмас. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш, паспорт топшириш каби тадбирларда ҳам фаол қатнашмоқдамиз. Шу орқали халққа партиямиз мақсадини атрофлича тушунтириб бормоқдамиз

Сафар ИКРОМОВ,
Ўзбекистон ХДП Жомбой тумани кенгашининг биринчи котиби.

Мулоҳаза

ҲАР МИСҚОЛДА ХИРМОН ЮКИ БОР

Кунглимдан ўтиб юрган айрим мулоҳазаларни кўпдан бери мутахассислар ва фанимиз заҳматкашлари, қолаверса пахтачилик соҳасига алоқадор кишилар эътиборига ҳавола этмоқни ўйлаб юраман. Айниқса, бугунги — мустақил иш юритилаётган шароитда пахта хом ашеси, уруғлик чигит ва пахта толасини етиштириш ва тайёрлашда сифатга кўпроқ аҳамият бериш зарурлиги сезиляпти. Шунингдек, Узбекистоннинг Ливерпул пахта ассоциациясига аъзо булиши ҳам энди елкамизга янада каттароқ масъулият юклайди.

Умуман, пахта етиштириш, териш ва сақлаш ва ҳосилни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган куппина муаммолар бор. Мен қўйида пахтани машина билан териш чоғида йўл қўйилаётган баъзи камчилик ва зарарлар ҳақида мулоҳаза юритмоқчиман. Текшириш ва кузатувлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, машиналарда қўлланилаётган сўрувчи насос йўналиши, пневмотранспорт тизимига асосланган механизм ҳосил чигитларини 5 фоизгача зararраши мумкин экан. Шунингдек, пахта толаси (ингичка толалида кўпроқ)нинг ифлосланиши ўн фоизгача старкан. Бундай ҳолат тўқимачилик саноатига зарар қилиши, хусусан, чигит пустлоғи билан ифлосланган толани қайта ишлашда қийинчиликларни юзага келтириши кузатилмоқда. Маҳсулотни тараш, калавалаш ва ип йигириш жараёнларида тўқимачилик машиналарининг бир маромда ишлашига имкон бермаслиги маълум бўляпти.

Аввало, пахтани машинада териш пайтида чигитнинг зararланиши уруғчилик фондига, хусусан, унинг сифатига таъсир қилади. Зararланган ҳар бир чигит ҳосилдорликнинг бир ярим фоизгача камайишига олиб келар экан. Уруғлик чигитни кўп миқдорда сақлаш, намлигининг ортиқча бўлиши, унинг қизишига ҳамда микроорганизмларнинг ривожланишига имкон беради. Бундан ташқари, чигит маҳсулотининг эзилиши, уни сақлаш ва иккинчи марта технологик усулда тозалаш чоғида кўплаб чиқитлар юзага келмоқда. Бу эса ўз навбатида чигитдан олинадиган ёғнинг камайишига ва сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Бундай нуқсонларнинг сабаби машиналарда қўлланилаётган пневмотранспорт тизимининг мукаммал эмаслигида. Жумладан, туркум вентиляторлар конструкцияси бугунги талабга жавоб бермаяпти. Ҳосилни машина ёрдамида териш пайтида вентиляторларнинг ишчи ғилдираги ўрнатилган лапаклар пахта чигитига механик зарар етказмоқда. Толанинг узилишига ва чўзилиб қолишига йўл очмоқда. Шунингдек, терилган ҳосилнинг айланма ҳаракат вақтида турли тўсиқларга дуч келиши унинг ифлосланишига имкон беряпти. Ҳосилни қайта ишлаш масканларига ташишда ҳам кучли силкиниш ва тиқилиш оқибатида унинг сифатига зарар етмоқда.

Мулоҳаза қилайлик, мамлакатимиз хирмонига 3 миллион тонна ҳосил тўпланган бўлса, шунинг қарийб 10 фоизини ифлосланиш чиқитлари ташкил этар экан. Демак, уч юз минг тонна зарар қўрилади! Бундай ахлатни ташиш учун минглаб ишчи ҳамда машина-транспорт кўчидан фойдаланиш керак бўлади. Ундан ташқари, алоҳида тозалагич ускуналари, энергия сарфи, қолаверса, экологиянинг бузилишини ҳисобга оладиган бўлсак, янада ташвишлироқ муаммо пайдо бўлади.

Бундай ифлосланиш чиқитқиси ўзининг органик келиб чиқиши билан диққатни тортади. Яъни уни қайта ишлаб ўғит сифатида фойдаланиш мумкин бўлади. Шунинг учун пахта ҳосилининг ифлосланишига йўл қўймаслик йўлида изланиш, хусусан, терим машиналарида мукаммал ишлайдиган механизмни жорий этиш керак. Пахта толаси сифатини таъминлаш, унинг жаҳон тамойилларига жавоб берадиган даражага етказиш учун машиналарда амалда қўлланилаётган пневмотранспорт тизими вентиляторларини илмий асосланган, техник ечимлари мукаммал, сифатли механизмлар билан алмаштириш лозим. Бундай талабга жавоб берадиган ишланмалар Тошкент Давлат техника университети ҳамда Давлат конструкторлик бюросининг пахтачилик машиналари бўйича бўлимлари билан ҳамкорликда тайёрланган, тозалаш самарадорлиги юқори янги вентиляторни жорий этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бундай механизмнинг меҳнат унумдорлиги 60 фоиз бўлиб, чигитларни зararланиши 0,2 фоизгача камайтирилган.

Айни пайтда юқори самарали пневмотранспорт тизими ҳам ишланган. Ў ишланманинг юқори герметиклиги ҳосилнинг ифлосланишини 50 фоизгача, энергия сарфини эса 30 фоизгача камайтиришга имкон беради. Ўйлаймизки, пахта териш машиналарида бемалол қўлланса бўладиган бу ишланмани жорий этиш вақти келди. Пахта толаси сифатини янада ошириш, пахтадан олинадиган хом ашёларни жаҳон талабларига мослашда, муҳими, терим чоғида атроф-муҳитни булганишидан сақлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Нуриддин ОРТИҚОВ,
Тошкент Давлат техника университети кафедра мудири, техника фанлари доктори.

«Қашқадарё ҳақиқати» — 60 ёшда

ОРЗУ-УМИДЛАР ДАРАКЧИСИ

Ўлкамизда баҳор нафаси уфуриб турган, Наврўз тантаналари кезаётган қутлуғ шу кунларда «Қашқадарё ҳақиқати» рўзномаси ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлаётир. Куни кеча Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида ушбу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Газетанинг тўйи янгиланиш, ислоҳот йўлидан дадил бораётган Қашқадарё вилоятида муҳим воқеадир. Юбилей арафасида воҳадаги туманлар, корхона ва хўжаликларда бўлиб ўтган учрашувлар, рўзнома кунларида муштарийлар кўрсатган иззат, билдирилган тилак ва қутловлар газета вилоят тарихининг чинакам солномачиси бўла олганлиги, хонадонларга янгиликлар, орзу-умидлар даракчиси бўлиб кириб бораётганини яққол ифода этди.

Ҳар қандай рўзнома тарихи — халқ тарихидир. Ўзининг илк сони чоп этилган 1935 йил 5 апрелдан буён ўтган йилларда газета ана шу муқаддас вазифани бажариб келди.

1994 йилнинг январидан эътиборан халқ депутатлари вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг газетаси сифатида нашр этилаётган рўзнома истиқлол туфайли юртимизда кечаётган қутлуғ ўзгаришларни ҳаққоний ёритишга интилмоқда. Газета саҳифаларида миллий қадриятларимиз, тадбиркорлик, истиқлол мафкурасига бағишланган мақолалар изчил чоп этиляпти. Рўзнома 60 йил давомида кўплаб таниқли адиблар, олимлар, санъаткорлар, журналистларнинг камол топишига холис кўмак бериб келди. Ҳозирги кунда ҳам газетага ёш талантлар, ишчи-қишлоқ мухбирлари кенг жалб этилмоқда.

«Қашқадарё ҳақиқати» газетасининг муҳаррири Р. Нурматов тантанали йиғилишда рўзнома босиб ўтган ана шу шонли йўл, қутлуғ анъаналар, янги режалар ҳақида гапириб берди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари И. Козимов вилоят ҳокимининг табригини топширди. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов, вилоят фахрийлар кенгаши раиси С. Усмонов ва бошқалар газетанинг 60 йиллик тўйи муносабати билан рўзнома журналистлари жамоасини қизғин муборакбод этишди. Газета ходимларидан бир гуруҳига вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари, эсдалик совғалари топширилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«УЧТА ҚОРАМОЛИ БОР ФЕРМЕР... ФЕРМЕРМИ?»

Газетанинг шу йил 28 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола босилган ва унда Фарғона вилоятининг айрим туманларида деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш учун давлат томонидан яратилган қулайлигу имтиёзлар етарли фойдаланилмаётганлиги ҳақида сўз юритилган эди. Мақола юзасидан вилоят ҳокимининг ўринбосари Б. Эргашев имзоси билан жавоб олинди.

Фарғона вилоят ҳокимлиги рўзноманинг 1995 йил 28 февраль сонидаги «Учта қорамоли бор фермер... фермерми?» сарлавҳали мақоласини вилоят, туман деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмалари раислари, мутахассислари иштирокида ўрганиб чиқди.

Вилоят бўйича 1994 йилда 1993 йилга нисбатан қорамоллар сони 8567 бошга, қўйэчкилар 5039 бошга, паррандалар 12453 бошга, отлар 519 бошга, чўчқалар 409 бошга кўпайди. 30 бош ва ундан ортиқ шартли қорамолга эга фермерлар сони 150 тага етказилди. Лекин шундай бўлсада, чорва бош сонларини кўпайтириш имконини қилолмаётган фермерлар йўқ эмас. Биринчидан, бу фермерлар қорамол бош сонини бузоқ олиш ҳисобига кўпайтиришмоқда. «Тадбиркорбанк» орқали кредит беришнинг камайтирилиши, 30 шартли қорамолга эга бўлмаган фермерларга имтиёзли кредит берилмаслиги, бозордан сотиб олиш учун нақд пул бериш тўхтатилгани шунга мажбур этмоқда. Шунинг учун 107 фермер хўжалиги 10 бошгача шартли қорамолларни парвариш қилмоқда. Уларга шартли қорамол бош сони ошиши билан қўшимча ер майдони ажратиб бериляпти.

Фурқат туманидаги Т. Сирожиддинов номли фермер хўжалиги ҳақиқатдан ҳам ажратиб берилган ер майдонидан яхши фойдаланмади. Натижада қорамолларни боқиш учун етарли миқдорда озуқа тайёрлай олмади ва кўпгина қорамолларни гўшт комбинатига топшириб юборди. Миқдори 5,2 тоннани ташкил этди. Ҳозир ўз низоми ва аризасига кўра Сирожиддинов номли фермер хўжалиги беркитилиб унинг ери бошқа фермер хўжалигига олиб берилган. 1995 йил февраль ойининг 14—20 кунлари туман ҳокимлиги, ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирокида барча туманларда деҳқон (фермер) хўжалик бошлиқларининг иқтисодий ўқувлари ўтказилди. Унда деҳқон (фермер) хўжаликлар тўғрисидаги қонунлар, қарорлар яна бир бор уқтириб ўтилди ва улар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар рўй-рост айтиб ўтилди.

Камчиликларни тузатиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Вилоят, туман ҳокимлари томонидан вилоятда деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириб, уларга шарт-шароитлар яратиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш борасида амалий ёрдам бериб борилади

БИР КУН ЭРТА ЭКСАНГ...

ГУЛИСТОН (мухбиримиздан). Сирдарё вилоятининг деярли барча туманларида чигит экиш бошлаб юборилди. Гулистон тумани хўжаликлари эса бу борада пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳар йилгидек туманнинг «Боёвут», «Қизил тонг», «Бешбулоқ» сингари жамоа хўжаликлари деҳқонлари ерга барака уруғи қадашга биринчилардан бўлиб киришдилар. Дастлабки кунлардаёқ туман бўйича минг гектар ерга чигит экиб қўйилди.

Шунингдек вилоятнинг Мирзаобод, Сирдарё, Сайҳунобод ва Боёвут туманларида ҳам чигит экиш авж олдирилмоқда. Вилоятда бу йил жами 141 минг гектар ерда пахта етиштирилади. Бу майдонларга оби-тобида уруғ ташлаб олиш учун зарур чоралар кўрилаётир.

Меҳнатободдаги Ҳамза номидаги ширкатлар уюшмасида эса тумандаги ҳосилотлар ва мутахассисларнинг чигит экишга бағишланган семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Шундан сўнг ўтган йил режаларини ошириб бажарган ушбу хўжаликда ҳам чигит экиш бошлаб юборилди. Миришкорларнинг нияти бу ишни 20 апрелгача якунлаш.

Абдужалил УМАРОВ.

Суратда: хўжалик бош ҳосилоти Ҳайдар Мисиров, уюшма раиси Пиримқул Соибназаров, звено бошлиғи Шавкат Муродов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг қарорига биноан «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, таниқли журналист Тўхтамурод Тошев «Адолат» газетаси бош муҳаррири этиб тайинланди.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси ҳамкасбимизни янги лавозим билан чин қалбдан табриклаб, унга масъулиятли ишда муваффақиятлар тилайди.

ШАҲАР КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

НАВОИЙ. ЎзХДП Навоий шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Шаҳар кенгаши биринчи котиби Ў. Нарзиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди. Илгари Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Навоий вилоят қўмитаси иккинчи котиби вазифасида ишлаб келган Н. Ниёзов ХДП Навоий шаҳар кенгаши биринчи котиблиги ва бюро аъзолигига сайланди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ибратли тадбирлар

ФАХРИЙЛАР НАМУНАСИ

Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида халқимизнинг жанглардаги буюк жасорати қадри, улуғворлиги кўз ўнгимизда янада беғубор, салобатли гавдаланади. Ватан озодлиги, келажагимиз учун жон бериб жон олган ота-боболаримиз, эл-дошларимиз ёди, порлоқ хотираси ҳеч қачон ўчмаслигини дилдан ҳис этамиз. Жангларда қаҳрамонона ҳалок бўлган ота-боболаримизга, юртдошларимизнинг руҳини шод қиламиз. Бўстонлиқ — Ўзбекистоннинг гўзал гўшаларидан бири. Бу ерда яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ишчи-деҳқон, зиёлиларининг уруш даври, ҳозирги тинчлик пайтидаги жасоратлари кишини ҳайратга солади, дилингга завқ-шавқ бағишлайди. Бўстонлиқ Ватан урушига ўзининг ўн бир мингдан зиёд фарзандларини йўллаган эди. Улардан бир қисми жангларда ҳалок бўлди, бедарак йўқолди, қайтиб келиш насиб этмади. Ҳозирги кунда туманда 950 нафар уруш ва 19,5 минг нафар меҳнат фахрийлари ҳаёт кечириб, истиқлол замо-насининг яратувчилик ишларига бош-қош бўлишяпти.

Ғазалкент шаҳрида Қаюм ота Худойбергановни ҳамма эъзозлайди. У киши урушда фашистларга қирон келтириб, юртга кўкси олий нишонларга тўлиб қайтган жангчилардан. Қаюм ота жанглардан қайтгач, туманнинг партия ва кенгаш идораларида баракали ишлади, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшди. Кўп йиллардан буён Ғазалкентнинг Марказий маҳалласи қўмитасига раҳбар. Қаюм ота Худойберганов Бўстонлиқ тумани уруш, меҳнат фахрийлари кенгашининг унинг ташкилотчилик фаолияти яққол кўзга ташланади. Усмон ота уй-ҳовлиларда, ногиронлар, фахрийлар, ёшлар олдида мунтазам бўлиб, суҳбатлар ўтказади, уларнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлади.

Бўстонлиқ тумани уруш, меҳнат фахрийлари Кенгаши республикамизда энг ийрик, ижтимоий нуфузи баланд уюшма. Унга салкам ўн йилдан буён уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Республика Журналистлар уюшмасининг аъзоси, оловқалб ташкилотчи, Абдурашид Раҳимбердиев бошчилик қилиб келаётир. У жуда кўп хайрли ишларни поёнига етказмоқда. Ёшларнинг севимли йўлбошчиси, мураббийи, ғамхўри сифатида эл-юрт олқишига сазовор бўлаётир.

Туман уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгашида шу кунларда ташкилий, маданий-маърифий ишлар кенг авж олган. Фахрийларнинг ғалабага бағишланган ёшлар меҳнати жамоалари билан учрашувлари кўнгилли ўтказилмоқда. Хўжакент, Бурчмулла, Боғистон, Нанай, Думалоқ, Қўшқўрғон, Қораманат, Хумсон, Янгиқўрғон, Чорвоқ, Товоқсойда уруш ва меҳнат фахрийларининг фаолияти кучайди.

Туман ҳокими Абдуманноп Абдувосиқов Олий мажлис депутати, фахрийлар Кенгаши фаол аъзоси сифатида байрамга бағишланган тантанали маросимлар, учрашувларда ташаббускорлик кўрсатаётир. Яқинда Чимён овулида одамлар, фахрийлар билан мулоқот бўлди. Қишлоқда юздан ошган отахону-онахонлар кўп. Улар бебаҳо бойлигимиз, маънавиятимиз манбаидир. Шулардан бири юз ёшли Шермат ота Эрматов хонадонига ташриф буюрган ҳоким унга «Шуҳрат» медалини топширди.

Фахрийлар кенгаши туман ҳокимлиги билан биргаликда фахрийларга моддий ёрдам, маънавий мадад кўрсатишди. Фахрийлар санаторий ва касалхоналарга бепул даволанишга юборилияпти. Қатор уруш, меҳнат фахрийларининг уй-жой шароити яхшиланди. «Меҳр-шафқат» маҳаллий жамғармасидан 200 дан кўпроқ фахрийларга моддий ёрдам кўрсатилди. Туман фахрийлар кенгашининг саъй-ҳаракатлари туфайли 4440 нафар уруш қатнашчилари, ҳалок бўлган, бедарак йўқолганларнинг номлари «Хотира» китобига киритилди. Овуллардаги мактаблар, Ғазалкентдаги кўчалар уруш ва меҳнат фахрийлари номлари билан аталадиган бўлди.

Ҳозирги кунда, айниқса, фахрийларнинг яратувчилик ишлари таҳсинга сазовор. Абай номли жамоа хўжалигида Аширбек Абдуҳолиқов бошчилигидаги кексалар 2,5 гектар майдонга 50.000 туп мирзатерак ўтқаздилар. Хўжакент қишлоғида Наби Эргашев раҳбарлигида беш гектар майдонда Ғалаба шарафига фахрийлар боғи барпо этилди. Мавжуд ёдгорликларни таъмирлаш, янгиларини барпо этиш тадбирлари кўрилаётир. Шаҳарда, қишлоқ мактабларида уруш фахрийлари ёдгорлиги, музейлар, «Қаҳрамонлар хиёбонлари», «Шон-шуҳрат бурчаклари» ташкил этилмоқда. Корхона, хўжалик, муассаса ва мактабларда, маҳаллаларда уруш, меҳнат фахрийлари, зиёлилар, донгдор кишилар, олимлар иштирокида аҳоли ва ёшларнинг учрашувлари, тантанали кечалари уюштирилмоқда.

Турсунбой ДАВЛАТБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсаттан маданият ходими, фалсафа фанлари номзоди.
Нодира ДАВЛАТБОЕВА,
Ғазалкент шаҳридаги «Ёшларга билим бериш маркази»нинг кутубхона мудири.

Ғалабанинг 50 йиллигига

АЛП ЙИГИТЛАР ЁДИ

Тошкентда «Шоҳидонтепа» (собиқ «Известия») деган маҳалла бор. Кўчалари ўрикзор, олчазор. Юзлаб алп йигитлар, ялангтўш оталар шу кўчадан жанггоҳларга йўл олишган. Ўзбекистон учун олис-олисларда жон фидо қилишган. Чамалаб кўрилса, фақат 60 га яқин марди-майдонгина фронтдан қайтибди, холос. Уларнинг аксари ярим жон, дардчил. Зеро, қаҳрамонлик унутилмайди. Уруш ва меҳнат фахрийларининг саъй-ҳаракати билан маҳалла гузарида, анҳор бўйида ўғлонлар хотирасига бағишланган ёдгорлик қад кўтарди. Мармар лавҳага шундай битик ўйилган:

Фидойи маҳалладош,
Руҳингизни айлаб ёд,
Ўрнатдик эсдалик тош,
Барҳаётсиз умрбод.

Ушбу сатрлар шу маҳалладан жангга бориб, омон қайтган шоир Султон Акбарий қаламига мансубдир. Обида атрофидаги кўчаларнинг ҳар бир муюлиши ёки чорраҳасида гўё оташин куйчи Ҳамид Олимжон, публицист ёзувчи Назир Сафаров, бетакрор шоир Мамарасул Бобоев, адабиётшунос Олим Шарофитдинов пайдо бўлиб, бизлар шу маҳаллада яшаганмиз, дейишаётгандек бўлади.

Маҳалла оқсоқоли, уруш ва меҳнат фахрийси Йўлдош ота Қодир ўғли дейди:

— Маҳалламиз чоғроқ, жамғармаси камроқ. Кўпдан бери бир савобли иш қилмоқчи бўлиб юрардик. Қўлимиз калталик қиларди. Ҳуррият шарофати ила маҳалла нуфузи ортгандан сўнг фаолларимизни йиғиб,маслаҳатлашдик. Обида тиклаш масаласи ҳаммага манзур бўлди. Хусусан, сув хўжалигида олтмиш йил хизмат қилган техника фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган ирригатор Фахриддин отанинг ғайратини таъкидлаш жоиз. Ёдгорлик тархини ҳам ўзи чизди-риб келди. Мармар топди. Керакли идора раҳбарлари билан учрашди. Бир йиллик ҳаракатининг баракати ўлароқ энди ўтган-кетганлар мароқланадиган, ёшлар мардлик сабоқларини ўрганадиган зиёратгоҳ пайдо бўлди.

Маҳалланинг уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Турсунбой Ҳошимов бунга илова қилади:

— Баҳона билан маҳалламизнинг чиройи очилди. Кўп жойлардан келиб, зиёратгоҳимизни кўришмоқда. Улар маҳалла жамоасининг ҳимматига муносиб дуо қилишмоқда.

Юнус ЗИЁДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

СОҲИБҚИРОННИНГ МЕЪМОРИЙ ДАҲОСИ

«Бизнинг куч-қудратимиз ва кароматимизга шубҳаланганлар иморатларимизга назар этсинлар».
Амир ТЕМУР

Бу ғурур тўла хитоб сўзлар машҳур Оқсарой пештоқида улкан арабий ҳарфлар билан нақш этилган кошинкорий битик бўлган экан. Дарвоқе, ўша даврда Бобур ҳайрат билан айтганидек «мунча олий тоқ оламда кам нишон берурлар. Дерларким, Кисро тоқидин бу бийикроқдур».

Яна бобоколонимиз Амир Темурнинг «Тузуклари»да ўқиймиз: «Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим».

Бошқа бир ўринда соҳибқирон таъкидлаб ўтадилар: «Яна амр этдимки, катта кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона солсинлар, касаллар учун шифохона қурдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дор ул-аморат ва дор ул-адолат қурсинлар».

Амир Темур улкан ва улуғ давлат жамлар экан икки мўътабар кўҳна шаҳарни пойтахтим — доруссалтана атаб, уларнинг «мартабасига зебу зийнат берди». Дастлаб она шаҳри Шаҳрисабзни, кейинроқ Самарқандни доруссалтана сифатида ардоқлаб обод қилди. Меъморий кўркини беқиёс даражага кўтарди, довруғини дунёга таратди. Бундай оламшумул ишларда ижодкор меъморларга дарға бўлди, ҳомийлик қилди. Уларга бош-қош бўлиб, бўлғуси режаларни ўзи тузиб берди.

Яна соҳибқирон сўзларига эътибор беринг: «Муҳандислар (меъморлар) билан олий иморатлар барпо этиб, боғу бўстонларнинг лойиҳа тарҳини чиздирдим».

Архитектура — давр кўзгуси деган муқояса бор. Ҳақиқатан ҳам асрлар оша етиб келган меъморий обидалар орқали аждодларимиз ҳаёт тарзи, тараққиёт даражаси, санъаткорлар маҳоратлари мужассамини кўрамиз. Амир Темур саройида хизмат қилган, ўша даврдаги улкан қурилишлар гуворҳи бўлган, тарихчи Ибн Арабшоҳ «Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат берадилар», деб пойтахт Самарқанд аҳолиси ғуруруни, ўша давр кўтаринки руҳини ифодалаган экан. Дарвоқе, меъморий қадриятлар халқимизнинг бебаҳо бойлиги, уни ардоқлаб асраш, чуқур ўрганишнинг аҳамияти катта.

Мустақиллик туфайли маданий меросни ўрганишда кескин ўзгариш бўлди, десак хато бўлмайди. Ўтмиш ёдгорликларига, қадриятларга нисбатан муносабат ўзгариб бормоқда. Эскилик сарқити сифатида ташландиқ аҳволда қолган масжид мадрасалар янгидан қаддини ростлаб ҳаётга қайтмоқда. Атеист — худосизлар хуружи оқибатида азиз-авлиёлар номлари билан боғлиқ қатор зиёратгоҳлар, меъморий ёдгорликлар оёқ ости бўлиб, бузиб ташланган эди. Энди ўша жаҳолат хатоларни тузатиб, ўтмиш қадриятларни эъзозлайдиган замон келди.

Бобокалонимиз Ҳазрат Амир Темур ибн Тарағай (1336 — 1405) жаҳон тарихида баланд мавқега эга бўлган давлат арбоби, жаҳонгир саркарда, ўзининг баракали саъй-ҳаракати, ҳомийлиги натижасида Марказий Осиёнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий равнақига самарали таъсир кўрсатиб маданият, санъат ва меъморият соҳаларида янги давр очган ажойиб инсондир. Хусусан соҳибқироннинг архитектура — меъморчилик санъатини юксакликка кўтариб, беқиёс бунёдкорлигини таърифлаб, академик В. В. Бартольд «мусулмон архитектурасидаги энг яхши даврлардан бири» деб юксак баҳо бергани бежиз эмас.

Амир Темурнинг меъморий бунёдкорлик соҳасидаги улкан мероси деярлик дуруст ўрганилмаган. Самарқанддаги Шоҳизинда, масжиди Жомеъ, Гўр-амир, Оқсарой, Ишратхона — Дилкушо кўшки, Туманқоға хонақоҳи, Чўпонота, Рухобод бинолари, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Доруссиёдат ва Доруттиловат меъморий мажмуалари, Туркистондаги Аҳмад Яссавий хонақоҳи каби бетакрор, ҳар бири ажойиб санъат дунёси бўлган иморатлар сўзимизнинг далилидир. Амир Темурнинг шаҳарсозлик соҳасидаги бунёдкорлиги ҳам ибратли. Ва ниҳоят ул зотнинг меъморий бунёдкорлиги Марказий Осиё архитектураси тарихида мислсиз порлоқ, ёрқин давр очдики, унинг таъсири ҳанузгача сезилиб турибди. Шу кунларда санъатшунослик институти соҳибқирон бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан ўша давр архитектурасига — меъморий ёдгорликларига бағишланган тадқиқотлар олиб бормоқда. Меъморий янгиликлар жуда кўп ва диққатга сазовор. Ғоят қизиқарли илмий туркум мақолаларни эълон қилиш ниятимиз бор. Ҳозирча Самарқанд Жомеъ Масжид хусусида сўз юритамиз.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади».

Меъморий меросимиз келажаги буюк давлатнинг янги биноларини бунёд этишда ҳам жуда муҳим, илҳомбахш замин бўлишига ишончимиз комил.

САМАРҚАНДНИНГ ЖОМЕЪ МАСЖИДИ. Самарқанд шаҳридаги энг катта меъморий ёдгорлик Бибихоним масжиди номи билан оламга машҳур. Даврлар ўтиши билан улкан гумбаз, пештоқ ва миноралар қулаб, бинолари анча вайрон бўлган масжид қолдиқлари ҳали ҳам ниҳоятда улуғвор ва маҳобатли. Баланд тоқу равоқларни кошинкор безакларда кузатар эканмиз, ўша замон тарихнависи Шарафиддин Яздийнинг «агар осмон гумбази бўлмаганда масжид гумбази оламда ягона бўлар эди» деган муболағаси эсга тушади. Дарвоқе, Жомеъ масжид ўз давридаги шундай бинолар ичида энг каттаси ҳисобланарди. Иморатнинг ажойиб кошинкорий безаклари, тошдан йўнилган устун, муқарнас ва ўймакорлари юксак маҳорат ва санъаткорлик билан яратилган.

Илмий китобларда қайд этилганидек, мазкур иморат Бибихоним масжиди, тўғрироғи Амир Темур амри билан 1399 — 1404 йиллар мобайнида бунёд этилган Самарқанднинг Жомеъ масжиди деб таъриф этилади. Самарқанд аҳолиси, айниқса, кексалар ҳозир ҳам улкан бинони эски одатга кўра «мадрасаи хоним» деб билишади. Бундай овоза ўтган асрда айниқса кенг тарқаган экан.

Шарқшунос олим А. Вамбери 1863 йилда Самарқандни зиёрат қилар экан, улкан бинони «Бибихоним мадрасаси харобалари» сифатида таърифлаб, «илгари унда 1000га яқин талаба ўқиган» деб ёзади.

Таниқли турколог олим В. В. Радлов 1868 йилда Жомеъ масжидини «Бибихоним мадрасаси барча мадрасалар ичида энг ажойиб ва улуғвор» деб таърифлайди. Орадан ўттиз йил ўтгач Самарқандда бўлган немис олими Шуберт фон-Зольдерн «Мадрасаи хоним»нинг дастлабки тарҳи тўғрисидаги ўз тахминларини эълон қилди. Самарқанд осори-атиқларини яхши билган шарқшунос олим В. Вяткин XVIII асрдан бошлаб аҳоли мазкур бинони Бибихоним мадрасаси, деб атаб келганини қайд этиб ўтади.

Беихтиёр савол туғилади: бу қандай чалкашлик, наҳотки дунёга машҳур ёдгорликнинг номи ҳалигача аниқ бўлмаса? Тарихий ҳақиқат нима дейди? Дарвоқе, тарихий чалкашлик гувоҳи бўлиб турибмиз. Бинони масжид деб аташда ҳам, мадраса деб таърифлашда ҳам сабаб ва ҳақиқат бор. Асрлар давомида пайдо бўлган тарихий муаммони ҳал этишга уриниб кўрайлик. Тарихан энг қадимги хабарни 1404 йил кузида Самарқандга келган испан элчиси Р. Г. Клавихо беради. Элчи ўз кўзи билн кўрганларини тушунганича таърифлайди. Баъзан нотўғри фикрларини ҳам айтади. Элчи шаҳардаги энг катта ва мўътабар масжидни Амир Темур ўз хотини Хонимнинг онаси шарафига қурдирган дейди. Амир мадраса олд девори, яъни пештоқи паст чиққанидан норози бўлиб, уни тезликда бузиб ташлашни буюради. Ишнинг зудлик билан бажарилишини шахсан кузатиб боради. Пештоқ икки қаноти тагидан чуқур қазиб, бинонинг пойдеворидан қўпориш чоралари кўрилаётганини элчи таъкидлайди.

Клавихо хабарига эътибор беринг: — масжид Бибихонимнинг онаси шарафига қурилган деган хабарни қандоқ тушунмоқ керак? Чамаси гап масжиднинг қаршисидаги мадраса ҳақида, унинг пештоқи нисбатан масжиддан баланд бўлгани учун дарғазаб Темур ишни осонликча ҳал этгунга ўхшайди. Янги қурилган улкан Жомеъ масжиди қаршисидаги мадраса пештоқини бузиб ташлатади. Баҳайбат пештоқни қурилатишнинг энг осон йўли унинг пойдеворини кўпориб чиқариш ва тагига сув қуйиш эди. Аммо соҳибқирон амри қанчалик даражада амалга оширилгани ҳозиргача номаълум.

Тарихнавис Фасиҳ Хавофий бундай дейди: «Соҳибқирон Жомеъ масжидини келиб кўраркан, Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жилд томонидан йўл қўйилган исрофгарчилик ва бузуқликлардан дарғазаб бўлди. Сароймулкхоним мадрасасининг айвони жуда баланд, соҳибқирон Жомеъ масжидининг айвони эса нисбатан паст чиққан экан. Ваҳолонки икки айвонни ҳам ўшалар қуришган эди.

Олимлар талқинида чалкашликлар бошланишига Шарафиддин Али Яздийнинг кичик хабари сабаб бўлган. Тарихчи Жомеъ масжиди қурилишига Амир Темур алоҳида эътибор берганини, айниқса, Ҳиндистон сафаридан қайтгач, бу манзилга тез-тез келиб, қурилишни шахсан кузатгани, кўп вақтини масжид яқинидаги Хоним мадрасаси ва Туманоғо хонақоҳида ўтказганлигини таъкидлаб ўтади.

Оламшумул тарихий воқеаларнинг шахсан гувоҳи бўлган Ибн Арабшоҳ орадан қарийб 33 йил ўтгандан сўнг масжид ва мадраса ҳақида қуйидагиларни эслайди: «Темурнинг бош хотини Катта малика (ҳам) бир мадраса буюрган Жомеъ биноси муқобилида бўлишини лозим топдилар. Кейин улар мадраса рукунларини баланд ва биносини пишиқ қилиб ўрнатдилар. Мадраса табақа ва деворларини Жомеъга нисбатан баланд кўтардилар. Натижада мадраса асоси Жомеъ (асосидан) мустаҳкам, баландликларда Жомеъдан кўра юқори бўлди. Қачонки Темур ушбу мадраса қомати чўзилиб, ўз кемтик Жомеъсидан юқори ва баланд эканлигини кўргач, унинг нафрати ошиб, сабри ғазабга тўлиб, аланга олди ва Жомеъ мубоширига нисбатан қилган ишини қилди».

Демак, мадраса «Жомеъ биноси муқобилида», яъни қаршисида жойлашган экан. Шарафиддин Али Яздий ҳам мадрасаи Сароймулк хоним масжидга нисбатан муқобил воқеъ бўлди, дейди. «Муқобил» сўзи меъморчилик ўзаро қарама-қарши қўш тарзида турувчи икки бино, пештоқ, айвон каби иморатлар жойлашувига айтилади.

Самарқанд Регистонидаги қўш мадраса — Улуғбек ва Шердор мадраса, Бухородаги Абдуллахон қурган қўш мадраса муқобил услубининг ёрқин намуналаридир. Демак, Самарқанд Жомъе масжидининг қаршисига «муқобил» тарзида Сароймулкхоним мадрасасининг баланд пештоқи қурилган экан. Ана шу пештоқ Амир Темурнинг қаҳрини кўзғаган.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида Сароймулкхоним мадрасасининг ер остида қолган қолдиқлари топилди. Мадраса пештоқининг қолдиқлари масжид пештоқига нисбатан қияроқ тушган экан. Натижада бино қанчалик маҳобатли бўлмасин, унинг қаршисидаги бинога монанд бўлмагани сезилиб турибди. Амир Темурнинг қаҳри авжига чиққани, меъморларни аёвсиз жазолагани сабабини энди тушунса бўлади.

Бундан буён давом этиб келаётган тарихий чалкашликни тузатиб, Бибихоним масжиди номи билан машҳур меъморий ёдгорликни Амир Темур Жомеъ масжиди деб айтсак айни ҳақиқат ва муддао бўлур эди.

Пўлат ЗОҲИДОВ,
архитектура фанлари доктори.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ПОРТЛАШ ЮЗ БЕРДИ

Приморье ўлкасидаги Хитой билан чегарадош ҳудудда жойлашган Россия ҳарбий кучларининг қуроляроғ омборида кучли портлаш юз берди. Маълумотларга қараганда, жуда катта миқдордаги реактив снарядлар портлаган. Яқин атрофдаги аҳоли зудлик билан кўчирилмоқда. Қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумот йўқ.

РАСМИЙ ТАШРИФ ЯКУНЛАНДИ

Руминия Президенти Ион Илиескунинг Италияга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Руминия давлат раҳбари ташриф давомида Италия Президенти Оскар Луижи Скальфаро, Вазирлар Кенгаши Раиси Ламберто Дини билан учрашди. Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

БУТРОС ҒОЛИЙНИНГ САФАРИ

БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий Марказий Америка давлатларига сафар қилди. Сафар чоғида у Гаити, Сальвадор, Гватемала ва Гондурас давлатларида бўлиб, мазкур мамлакатлардаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол билан танишади. Шунингдек, у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериш ниятида.

ЖАНГОВАР САМОЛЁТЛАР СОТИБ ОЛИНДИ

Малайзия ҳукумати Россиядан бир қанча жанговар самолётлар сотиб олди. Ҳозирча уларнинг иккитаси мамлакатга келтирилди. Апрель ва май ойларида ана шундай самолётлардан 12 дона келтирилади.

Малайзия Жануби-Ғарбий Осиёда Россия билан жанговар самолёт сотиб олиш бўйича шартнома тузган биринчи давлатдир. Айни пайтда, Россия ҳарбий техникасига Сингапур, Таиланд, Филлипин давлатлари ҳам қизиқиш билдирмоқда.

МУНОСАБАТ ҲАМОН ЯХШИ

ДЕҲЛИ. «Ҳиндистоннинг Россия билан муносабатлари жуда яхшилигича қолмоқда, АҚШ билан муносабатлар эса анча яхшиланди», — дейди мамлакат Мудофаа вазирлигининг йиллик ҳисобот маърузасида.

Маруза Марказий Осиё республикаларидаги вазият ривожи миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан Ҳиндистоннинг диққат-эътиборида турганн қайд этилган.

САМИМИЙ УЧРАШУВ

СЕУЛ. Жанубий Корея Президенти Ким Ен Сам Корея Республикасига расмий ташриф буюрган Болгария Президенти Желю Желев билан учрашди. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасида 1990 йилда дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан сўнг, ўзаро алоқалар яхши ривожланаётгани таъкидланди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЛОЛА — ТАЛАБА БЎЛДИ

Мактаб ўқувчиларининг ҳар йилгидек барча фанлар бўйича республика олимпиадалари бўлиб ўтяпти. Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманидаги 29-мактабда шарқ тиллари, яъни, араб, ҳинд, урду, хитой, форс тиллари бўйича республика биринчилиги ўтказилди. Олимпиада шартларига кўра Тошкент шаҳридаги Абдулла Авлоний номидаги 156-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси Лола Раҳимова уч йўналиш — тест, диктант ва оғзаки суҳбатдан муваффақиятли ўтиб, иккинчи ўринни эгаллади. Мамлакат олимпиадасида муваффақиятли қатнашгани туфайли шарқшунослик институтига кириш имтиҳонларисиз қабул қилиш учун йўлланма олди.

У мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан бирга, ўзи мустақил ишлашга ҳам одатланган.

— Мактабда 2-синфдан буён урду тилини ўқитишни йўлга қўйишганди. Шундан бери бу тилга қизиқишим бошқача, дейди у. — Урду тилига ёшликдан қизиққаним учунми, жуда ҳавас билан қарайман. Албатта тил ўрганишимизда ўқитувчимиз — Масуд Соҳибнинг ҳиссаси катта. Устозим асли покистонлик. Ўзбекларни жуда яхши кўради, урф-одатларимизни ҳурмат қилади. Бизга астойдил сабоқ беради.

М. ОЛИМҚУЛОВА.

Ислоҳот одимлари

БИЗНЕС ПРЕСС танловига

«ҲУМО» ЖАҲОН КЕЗАДИ

Ақл — одамнинг олтин тожи, деганлари рост. Ҳа, фақат ақл-заковат туфайли инсоният олдинга интилиб келади. Кеча бир юмушни уддалаб, бугун янги режалар тузиб, катта умидлар билан ишга бел боғлайди. Буни қарангки, қадимги Буюк Ипак йўли орқали от ва туялар карвони ўрнига бугун ҳаво, темир йўл, автомобиль воситаларида юк ташилиб, қатновлар, алоқалар йўлга қўйилган.

Бектемир туманининг Жўрабек Остонов кўчасида жойлашган «Ўзавтотранс» корпорациясига қарашли «Ўзинтранс» («Ўзхорижтранс») ташқи савдо транспорт бирлашмаси бош директори, Олий Мажлис депутати Ботир Маҳкамович Қосимов билан қилган суҳбатимиз бевосита иқтисодий ислоҳотлар, хориж билан алоқалар, ўтиш даврдаги ютуқ ва муаммолар хусусида борди.



РЕЖА ВА РАҚАМЛАР

1994 йилда корхонада юк ташиш режаси 103,7 фоиз, автомобиль саройидан ва масофадан фойдаланиш коэффициентлари ҳам ошириб уддаланди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида юк ташиш режаси 100,6 фоиз бажарилди. 15,9 минг тонна ўрнига 16 минг тонна юк ташилди. Ҳар бир ҳайдовчининг ойлик иш ҳақи 2765 сўмни ташкил этди. Март ойидан эса 3400 сўмга етди.

Даромад режадаги 4,1 миллион сўм ўрнига 7,5 миллион сўм бўлди. Бирлашма 663 минг ўрнига 2 миллион 200 минг сўм фойда олди. Рентабеллик кўрсаткичи ёмон эмас.

— Ботир ака, юк машиналарининг хорижда талаб даражаси ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.

— Корхонамиздаги юк машиналари бироз эскирганлиги боис Европа мамлакатлари талабларига тўла жавоб бера олмаяпти. Шундай бўлса-да, мол айирбошлаш ҳисобига эҳтиёт қисмлар олиб, машиналарни таъмирлаяпмиз. Кредит ололмаётганимиз туфайли ҳозирча янги машиналар сотиб олиш, иш фаолиятимизни янада кенгайтириш имконияти бўлмаяпти. Истардикки, мамлакатимиздаги корхоналарга машина сотиш хорижий давлатларга нисбатан арзонлаштирилса ёки шартлари енгиллаштирилса. Шунда барча Европа давлатларига, Хитой, Эрон каби мамлакатларга чиқиш, улар билан тузилган шартномаларни бекаму кўст бажаришга катта имконият туғилади.

Ўтган йили Президентимизнинг Украина, Белорусь республикаларининг раҳбарлари билан имзолаган қатор ҳужжатлари транспортчиларни қувонтирди. Чунки биз асосан Белорусдаги кўпгина заводлар билан алоқа боғлаганмиз.

Республикамизда кўплаб йирик қўшма корхоналарнинг ташкил этилаётганлиги ҳам иш доирамизни кенгайтирмоқда. Асбоб-ускуналар, барча жиҳозларни ташиб келтириш каби юмушларни бажарамиз.

— Фурсатдан фойдаланиб, ўнлаб юк автомашиналари ҳайдовчилари билан мулоқотда бўлдим. Улар МДҲ давлатлари билан бир қаторда Туркия, Афғонистон, Польша, Германия, Эрон ва Хитойга Ўзбекистон номидан чиқиб сафардаги таассуротлари чексиз эканлиги, мустақил диёримизнинг нуфузи ошиб бораётганидан қувондилар.

— Тўғри, мустақилликка эришгач, кўпгина давлатларга чиқишга йўл очилди. Аммо, ҳамма ҳайдовчиларга яратилган шароит бир хил эмас. Масалан, хорижликлар Ўзбекистон ҳудудига кирса эркин юради. Бизнинг ҳайдовчиларимиз эса ҳар бир тўхташ жойи ёки кўприкдан ўтса ҳам бож тўлайди... Яқинда мутасадди идораларга бир таклиф билан чиқдик. Унда пойтахтимизда халқаро транспорт божхона маркази очиш кўзда тутилган. Марказда хорижлик юк ташувчиларни рўйхатдан ўтказиш, машиналар учун махсус тўхташ жойи, кичик таъмирлаш, ювиш, ёнилги қуйиш шохобчалари ташкил этилади. Бу республикамиз хазинасига мўмайгина даромад келтиради.

— Жорий йилнинг иккинчи чораги ҳам бошланди. Бу йил барча соҳаларда шу жумладан транспортда юксалиш йили бўлади, деган умид бор...

— Албатта, мумкин қадар олдинга интилган ютади. Йил бошида корхонамиз аҳлини қувонтирган яна бир нарса бу — Ўзбекистон фуқароларига янги паспорт берила бошлаганлиги бўлди. Ўйлаймизки, улар биринчи навбатда жамоамиздаги юк машиналари ҳайдовчиларига берилади.

Ўтган йили ўз ҳисобимиздан ёпиқ автомобиль саройи, қаҳвахона ва омборхона қурилишини бошлаган эдик. Бу йил уларни ишга тушириш кўзда тутилган. Ҳисоб-китобларга қараганда қурилиш ишларини тугаллаш учун 11 миллион сўм керак бўлади. Ҳозиргача 2,2 минг сўмлик иш бажарилди.

«ЎзКОМКО» — Ўзбекистон — Россия — Австралия, «Ўзафғонсавдотранс» қўшма корхоналари, хўжалик ҳисобидаги «Ўзинтранс — Импекс» иш фаолиятини ошириш мўлжалланган. 1994 йилда Сингапур билан биргаликда очилган юқоридаги «Ўзинтранс — Импекс» ва «ЎзКОМКО», «Ўзафғонсавдотранс» қўшма корхоналари 2 миллион 600 минг сўм фойда берганлиги ҳам юқоридагидек қўшма корхоналарни очиш, улар орқали чет эл сармояларини жалб этишга ундайди.

Шунингдек, бизда ўтиш даврида ишчиларни, кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам ўтган йили ишчиларга 200 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, корхона оталиғидаги болалар боғчасини таъмирлашга 42 минг, ўйинчоқларга 3 минг, тумандаги кам таъминланган оилаларга 25 минг сўм, мактаб футболчи ёшларига 3 миллион Россия рубли, 50 нафар етим болалар учун пуллик совға ва оромгоҳларга бепул йўлланмалар берилди. Тумандаги мактаб, маҳалла ободончилиги учун қилинган ишлар ҳам беҳисоб. Фахрийлар, аввал ишлаб кетган ишчи-хизматчилар ҳам эсдан чиқарилгани йўқ. Паркент туманидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Хўжаликдан турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келиниб, ишчиларга арзон нархда сотилмоқда. Бу йил очиқ типдаги акционерлик жамиятига ўтиб ишлаш ниятимиз бор.

— Корхонада ишловчи 421 нафар кишидан 90 нафари Ўзбекистон ХДП аъзоси экан. Бошланғич партия ташкилоти котиби Ҳабибулла Халиловнинг айтишича, корхонангизда партия фаолиятига қизиқиш катта. Умуман, корхонага ишга қабул қилиш қай йўсинда ташкил этилган?

— Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳар бир аъзоси жамиятимизнинг ишончли кучига айланиб бораётир, десам хато қилмаган бўламан. Чунки партиямизнинг Низом ва дастурий талаблари шуни талаб қилади. Мақсадимиз — келгуси авлодга озод ва обод Ватанни қолдириш. Қувончлиси шундаки, бирлашмамизда ҳеч ким ўзини жамоат ишларидан олиб қочмайди. Аксинча ҳамжиҳатликда ишлаш, керак пайтда бир-бирига ёрдам қўлини чўзиш орқали ҳар қандай юмушни ўз вақтида ечишга одатланган. Шунинг учун ҳам партия, ёшлар ташкилоти, касаба уюшмаси ишларидан қониқиш ҳосил қилса бўлади. Ташаббускор, ҳалол, талабчан ва фаол ишчи-хизматчиларимиз ҳисобига ХДП аъзолари кўпайиб боряпти.

Бизда ҳеч ким тўғридан-тўғри ариза билан меҳнат фаолиятини бошламайди. Унга бирор корхона ёки ташкилот йўлланма бермоғи, ҳайдовчиларнинг халқаро тоифаси, тил билиши, ўн йилдан ортиқ меҳнат давомийлигига эга бўлиши, қолаверса, интизомга қаттиқ риоя қилиши керак. Негаки, бизда юк машиналари ҳайдовчилари ёнига «Ҳумо» қуши тасвири туширилган машиналарда жаҳон кезади. Халқаро нуфузи ошиб бораётган Ўзбекистон номидан хориж йўлларида юради.

Ҳа, «Ўзинтранс» ташқи савдо транспорт бирлашмасининг ҳар бир ишчиси юртимиз келажагига катта ишонч билан қараётган ўз ишининг усталаридан. Иш эса, донолар айтганидек, ўз устасидан кўрқади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Эркин ЭСИРГАДИЕВ суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсати, ЎзР таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раёсати илмий кадрлар бошқармасининг бош мутахассиси Х. Т. Муҳаммадхоновага онаси
Муҳаррамхон ая МУҲАММАДХОНОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзгўштсутсаноат» давлат—акционерлик уюшмаси Ем-хашак ишлаб чиқариш бўлимининг бош мутахассиси Маҳмуд Каримович Ҳасановга акаси
Бахтиёр Каримович ҲАСАНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 10

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Алдаркўса ва бой». Мультфильм.
18.20 «Солиқ».
18.45 Футбол шарҳи.
18.55 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.25 «Умрбоқий ва ҳамиша навқирон». Телефильм.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Оила».
21.55 «Маъмура кампир». Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Бу бўстон аро...».
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.00 Сиёсий портретга чизгилар». Роман Герцог.
20.20 «Ғозаллик фасли».
20.35—22.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Чекист ҳақида қисса». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
*
«ОМАД» таништиради:
19.35 «Совга».
20.05 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.25 Жаҳон географияси.
21.15 Эълонлар.
21.20 Видео—«О».
23.00 Эълонлар.
23.05 «Курьер».
23.25 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.35 «Постфактум».
23.45 — 00.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Бизникилар Америка музи устида». Ҳужжатли фильм.
18.45 «Матбуот клуби».
19.40 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—21.40 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 2-серия. 1-қисм (Польша телевидениеси, 1988 й.).

СЕШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Огарев, 6». Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 «Истиқлол ва мафкура».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Кетма, баҳор». Мусиқий композиция.
12.30—14.00 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. Математика.
18.40 «Меҳнату мурувватга чорлар Наврўзи олам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нурли Тошкент оқшомлари». Телефильм.
20.05 «Бойсун» фольклор этнографик ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Бугунги Германия».
22.00 «Ижод завқи ва машаққати». Кинокўрсатув.
22.45—23.10 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25—23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Ислоҳот ва масъулият».
20.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.35 «Бизнес-банк».
21.50—22.30 «Бизнен мирас» (татар тилида).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.00 «Мавзу».
19.40 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55—22.35 Режиссёр Александр Митт фильми. «Сибирда изсиз кетганлар».

ЧОРШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
10.40 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.10 Чолғу куйларидан концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Муъжизалар оламида».
12.30 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
12.50—13.40 «Фахрийлар — фахримиз».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.40 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. Физика.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ойбек таваллудининг 90 йиллиги олдидан. Бир асар тарихи. «Болалик».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Яқинлашаётган Америка».
22.00 «Олтин мерос». Ўзбекистон халқ ҳофизи Одил Ҳофиз.
22.50 Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнир.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:
18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Дарсга қўнғироқ...».
19.45 «Мусиқий меҳмонхона».
20.45 «Дарвоқе...».
21.05 «Тошкент оқшомида».
22.05—23.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Барча юлдузлар».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
20.20—23.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—22.40 Режиссёр Кира Муратова фильми. «Жиззаки милиционер».

ПАЙШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Хайр, кабутарлар». Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 Дала юмушлари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.30 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.00 «Созимда севги васфи». Концерт.
12.30 «Бола бошидан...».
13.10—13.40 Янги китоблар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.40 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. Кимё.
19.10 Шеърий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Инсон ва қонун».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мен ва дунё».
22.05 Бастакор Туйғун Отабоев қўшиқлари.
22.35 Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнир.
23.05—23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Қўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.30 «Теле-ателье-шоу».
19.40 Видео янгиликлари.
20.05 Янгиликлар.
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.55 «Кинонигоҳ».
22.35—22.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ҳаракатда баракат».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.40 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 «Дидар» (қозоқ тилида).
22.20 «Ўзбекистон — қадрдон уйимиз».
22.50— 23.25 «Интилиш».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Маҳбуба». Э. Рязановнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05 — 23.10 Кино асри. Брижит Бардо «Рома хиёбони» фильмида (Франция, 1971 й.).

ЖУМА, 14

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Пушчик Прагага боради». Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.55 «Болалигим — пошшолигим».
10.15 «Жўрахон ака». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Ёшлар ва замон».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
12.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Зангори филча». Мультфильм.
18.20 «Истеъдод қирралари».
18.50 «Тараққиёт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ассалому алайкум, азизлар!». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.10 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Маърифатнома».
22.00 Ўктам Аҳмедов ва Рушель Рубиновлар ижросида мумтоз ашулалар.
22.40 «Алангали суқмоқлар». Бадиий фильм.
23.55—00.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II
«Тошкент»
студияси таништиради:
18.30 «Фильмлар ва тақдирлар».
19.10 «Ғозаллик бунёдкорлари».
19.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.35 «Раъно Шарипова қуйлайди». Фильм-концерт.
21.05 «Тошкентнома».
22.05—22.25 Ўзбек киноси-нинг 70 йиллигига. «Анҳор бўйларида».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Қўнгил қўприклари».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
20.20 «Эм-Ти-Ви-дан мусиқалар.
20.30 Эълонлар.
20.35 «Панорама».
21.05 «Салом, ёшлар!».
21.50 «Даракчи».
22.00 Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Бомонд».
18.15 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.55 «Муъжизалар майдони».
19.40 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 2-серия. 2-қисм.
21.35 «Талқинлар».
21.50—22.30 «Взгляд».

ШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
9.25 «Футбол майдонларида».
9.45 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон!».
11.05 Мультфильм.
11.25 «Оламни асранг!».
11.55 «Киноқўзгуда акс этган санъат». Кинокўрсатув.
12.25 Оилавий ансамбллар телевизион фестивали. Қорақалпоғистон Республикаси.
13.00—13.40 «Учрашув».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун фильм. «Писмиқ».
18.40 «Дилдан қуйлаб, ўйна қувнаб».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ўзбекона лутф».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Санъат сеҳри». Мусиқий видеоканал.
22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «Навбаҳор».
23.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.35 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.15 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Пульс».
19.55 «Акс-садо».
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.25 «Гладиаторлар». Спорт-шоу.
22.10—23.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Мюзик-холл».
10.30 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
11.00—12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
***
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва...».
19.35 «Колумб кашф этган диёр».
20.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.50 «Грифон». Ўзбекистон кинематографчиларини махсус совғин билан мукофотлаш маросими.
21.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.20—22.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 «Кулгининг чеки йўқ ёки Одессадаги ҳазил-мутойибалар».
18.15 «Қайсар қизча». Детектив кинокомедия (Франция, 1993 й.).
19.40 Ҳайрли тун кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 3-серия. 1-қисм.
21.30 «Оба-на».
22.05—23.00 «Матадор».

ЯКШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Дивизия командирининг бир куни». Бадиий фильм.
9.30 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.30 «Қишлоқ ҳаёти».
12.30 Баҳор тароналари.
13.00 «Эзгуликка интилиб».
13.35—15.00 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.35 «Фан фидойиси». Академик Ёлқин Турақулов.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санъат олами».
20.30 Дам олиш концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Мерос». Бобур.
22.20 «Фитна». Бадиий фильм.
23.55—00.25 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Қўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.00 «Теле-ателье-шоу».
11.10 Видео янгиликлари.
11.35 Янгиликлар.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
14.05—14.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
***
17.00 «Совга».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Панорама».
22.00 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45 «Даракчи».
22.55 Эълонлар.
23.00—00.40 Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультфильм.
9.40 «Жонли сайёра».
10.00 «Коллекция».
10.20 «Менинг кўчам».
10.35 «Олтин атиргул» ғори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 12-серия (Италия).
11.25 «Маски-шоу».
11.40 «Хонадонингиз осойишта бўлсин».
12.40 «Кинематограф».
14.20—14.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
***
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Ёшлар билан юзма-юз».
19.10 «Дурдаршн» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.35 «Грифон». Ўзбекистон кинематографчиларини махсус совғин билан мукофотлаш маросими.
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.05 «Мусиқий жилолар». «Атлас» гуруҳи.
22.45—22.55 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.15 Катрин Денев «Ҳинди-Хитой» мелодрамасида (Франция, 1992 й.).
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45—23.20 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 3-серия. 2-қисм. 4-серия. 1-қисм.

Ҳуқуқий демократик давлат сари

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Жиноятчилик ғойибдан нозил бўлган ҳодиса эмас. Яхши инсон ҳам, ёмон инсон ҳам онадан туғилади ва оилада, мактабда, маҳаллада ҳам жамоатчилик орасида тарбияланади. Демак, жиноятчилик илдизларини оиладан, мактабдан, маҳалладан ёки жамоатчилик асосида таркиб топган жамоалардан изламоқ лозим. Эътибор қилинг, бир деҳқон 10 гектар ерга эгалик қилиб шартномада белгиланган шартларни ўз айби билан уддаламаса жавобгар бўлади. Чўпон унта қўйни ҳаром ўлдирса жавобгар бўлади-ю, оиласида, мактабида, маҳалласида ёки жамоасида фарзандини, ўқувчисини, маҳалладошини ёки ишчисини тарбия қилолмаслик оқибатида ўсмирни, маҳалладошини ёки ишчисини жиноятчи бўлишига сабабчи бўлганлар нега жавобгарликдан четда қолиши керак?

Юқоридаги масалаларга ижобий ёндошиш мақсадида Оила йили деб эълон қилинган 1994 йилда туманлараро прокуратурамиз туман миқёсида жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари ва манбаларини ўрганганда жиноятчиликнинг олдини олишда оилавий муносабатлар ҳамда оила тарбиясининг муҳимлигига яна бир бор имон келтирдик.

Ўрганилган ва таҳлил қилинган маълумотларга кўра туманимиз ҳудудида 1993 йил давомида 44 оиланинг никоҳи бекор қилинган. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 41 тани ташкил этди. 1993 йилда ажралиб кетган 32 оиладаги 59 нафар норасида отаси ёки онаси масъулиятсизлиги туфайли меҳрдан маҳрум бўлишган. Оилаларда никоҳ бузилишларининг сабаби турлича. Масалан 1993 йилда бекор қилинган никоҳлардан 8 тасида эрларнинг ҳеч қаерда ишламаслиги, 18 тасида аёлларнинг ҳеч қаерда ишламаслиги, жами ажралишганларнинг 62,5 фоизида эр ва хотинларнинг узаро характерлари тўғри келмаганлиги важ қилиб кўрсатилган. Эркакларнинг ичкиликка ружи қўйиши, аёлларнинг қайноналари билан келиша олмасликлари ҳамда аёлларимизни тенг ҳуқуқликни шарқ оналарига хос маданият, одоб, ахлоқ, ҳаё, латифлик, бардошлилик каби ҳамиша қадрланадиган, эзозланадиган азалий оналик қадриятларимизни билмаслигидан келиб чиқмоқда. Чунончи, юқоридаги никоҳни бекор қилиб ажралганларнинг қўпчилиги бир-бирлари билан 10-15 йил турмуш қуриб, биттадан бештагача фарзандлари бор.

Халқимизнинг авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган хосиятли анъаналари жуда кўп. Шулардан бири оиланинг муқаддаслигидир. Бу қадимий маросимлардан бири нон синдириш ёки фотиҳа тўйи дейилади. Унда ҳар икки томон вакиллари дастурхон атрофида ўтириб иккита патирни устма-уст қилиб ушатадилар ва тўй иштирокчилари бир тишламдан баҳам кўрадилар. Биринчи бўлиб икки патирни синдирган киши бир никоҳли бўлишлиги шарт, яъни бир марта уйланган бўлиши лозим. Қўдаларни, яъни икки томоннинг келишувини баъзилар сингари ирим-жирим деб баҳолаш ярамайди. Урф-одатимизни дастурхон билан, нон билан, ризқ билан қабул қилинган қасамёд деб англамоқ керак. Зеро, ушбу маросимда оила мустаҳкамлиги, поклиги, келажак ва фарзандлар олдидаги жавобгарлик ҳам мужассамдир. Бир никоҳли кишини нон синдириш ҳуқуқига келсак, бунинг маъноси янги турмуш қураётган оила умрбод бузилмасин, бир никоҳ билан ўтишига қўпчилик гувоҳлигида ният ва истак билдириб дуо қилишдир.

Афсуски, тилаклар тилаклигича қолиб кетган ҳоллар учрамоқда. Баъзи бир оилаларда қонунни ҳам, оилани ҳам муқаддаслигини ҳамда жаҳон халқларига андоза бўлиб келган азалий ўзбекона қадриятларимизни ҳам икки пулга олмайдиганлар қўпайиб бормоқда. Ёш келин-куёвлар на ота-онанинг, на маҳалла оқсоқолларининг, на қонунларда белгиланган қоидаларга, йўл-йўриқларга қулоқ солмайин оила муносабатларини ўзбошимчалик билан амалга оширмоқдалар. Инсонлар уртасидаги қўйди-чиқдилар оқибатида, жамиятимизда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик иллатлари йўқолмаяпти, натижада бундай оилаларда тарбия топаётган болалар орасида нопок ота-онадан ўрнак олиб жиноят йўлига кириб кетаётганлари учрамоқда.

Аслини олганда жиноятнинг биттаси ҳам кўп. Шундай экан жиноятчиликка қарши кураш оиладан, мактабдан, маҳалладан, меҳнат ва жамоа коллективларида ички ҳуқуқий ва маънавий тарбияни йўлга қўйдиган дастурлар воситасида амалга оширилиши амалиётга тадбиқ қилинаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг ҳам тақозосидир.

Соғлом авлод ҳақида гап кетар экан, масала оила, мактаб ва маҳаллага бориб тақалиши табиийдир. Бу борада ҳали қонунчилигимизда ҳам муҳим ўзгаришлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Зеро, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий тартибот ва маънавий-маърифий таълим бир бутун тушунча бўлиб бир-бирини тўлдириб турмас экан биз кутилган мақсадга эришишимизда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Тарбия бешикда, оилада боланинг тили чиққандан бошланиб, мактабда, маҳаллада такомиллашади ва меҳнат жамоасида меъёрига етади. Албатта фарзандларимиз онгида ҳуқуқий-маданий ва маърифий тарбияни шакллантиришимизда боланинг мактабгача ва ўсмир даврида характерларини шакилланишини назарда тутиб, оиладаги ва мактабдаги муҳитга ҳам боғлиқлигини унутмасдан уларнинг онгида ижобий ёки салбий ҳаракатларни вужудга келтирадиган шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олишимиз зарур бўлади.

Ёшликда бола эшитганини қулоғига қуйиб олади, кўрганига тақлид қилади. Айтайлик, ота-она узаро ҳурмат ва иззатда бўлиб, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, насиҳат қилувчи, қўни-қўшнилар билан сидқидилдан, самимий мулоқот қилувчи, ҳалолликни, покликни, эътиқодни, дину диёнатни, энг муҳими амалдаги қонунчиликни сўзда ва амалда улуғласа, бўйсинса бола ҳам покликка, маърифатга, ҳалолликка интилувчан бўлади. Аксинча ота-она ғиғирлик, гирромлик, ўзгаларга беписандлик, ёлғон сўзлашни одат қилиб алдаш йўлини ҳаётда танлаган бўлса, бола ҳам уша тарбияни олиши мумкин. Оқибатда бундай бола ўқитувчисини писанд қилмайдиган, тўғриликни ёқтирмайдиган номақул ишлар билан шуғулланиб боради, кибор, манман, нашаванд, қиморбоз бўлиб етишиши ҳеч гапмас. Бундай бола билим олишга, меҳнат қилиб тер тўкишга ласқатсиз бўлиб, бировлардан тўғри сўзлиги учун қасд олишга, яхшиликка ёмонлик билан жавоб беришга одатланиш билан биргаликда, энг ачинарлиси, ота-онага, оилага, маҳаллага ва жамият аъзоларига нисбатан меҳр-муҳаббат, ҳурмат, иззат, масъулият каби ҳислатлар унда мужассамланмайди. Инсонни жамиятда шакилланиши ва яшаши учун ҳаётий зарурият ҳисобланган ҳуқуқий, ахлоқий, маданий ва маърифий тарбияни ўз вақтида олмаган болалар маҳаллада тартиббузарлик билан шуғуллана бошлайди. Энди эса уни на ота-она, на устози, на маҳалла-куй қайтара олади. Мана сизга тарбиясиз ўсган ёшнинг қисфаси.

Хўш, энди ёшларимизни тарбиялаш борасида қандай ишлар қилингани ҳақида гаплашсак.

Ховос туман ва Ширин шаҳр ҳокимликлари қошида вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар ҳамда ИИБлари қошидаги инспекцияларнинг ишларини талаб даражасига қутаришга алоҳида эътибор берилди. 1994 йил давомида бу комиссиялар ва инспекцияларнинг ишлари прокуратура томонидан назорат тартибида тўрт марта текшириб чиқилди. Икки ҳокимлик номига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар юборилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бу органларнинг ишлари тубдан яхшиланди. Ўсмирлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга халқ таълими, соғлиқни сақлаш идоралари, маҳалла қўмитаси оқсоқоллари ва фаолларини жалб қилишга эришилди.

Тарбияси қийин болган, ҳеч қаерда ишламайдиган, ички ишлар ва гиёҳвандлик билан шуғулланадиган ўсмирлар инспекция ҳисобига олинди. Кечки пайтларда видеосалон, кинотеатр, ҳунар-техника билим юртлари етоқхоналарига қўшма рейдлар уюштирилди. Ана шу тадбирлар натижасида уч нафар енгил табиатли қиз, олти нафар гиёҳванд ва ароқхўр бўлиб қолган ёшлар ва 16 та нобоп оилалар аниқланди. Улар прокурор иштирокидаги комиссия муҳокамасига қўйилиб, маъмурий тартибда таъсир чоралари қўлланилди ва инспекция ҳисобига киритилди. Тумандаги 2 та ҳунар-техника билим юртида, 9 та фуқаролар йиғинларида ва 39 та мактабда ИИБ инспекцияси, прокуратура, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими ходимлари иштирокида ҳуқуқий-маънавий тарбия мавзуларида амалий мулоқотлар утказилди.

Инспекция ҳисобига олинган 36 нафар ўсмирлар билан ота-оналари иштирокида суҳбатлар уюштирилди. ИИБ терговчилари томонидан муддатида тугалланган ҳар бир жиноят ишлари бўйича ўсмирларнинг ўқиш ва иш жойларига тақдимномалар юборилиб, уларнинг муҳокамасида терговчиларнинг иштироки таъминланди. Ҳар бир амалга оширилган иш юзасидан ошкораликка катта эътибор берилди. Амалга оширилган ана шу тадбирлар боис туманимизда 1994 йилда ўсмирлар томонидан жиноят содир этиш 13 тадан 5 тага ёки 65 фоизга камайтирилганлиги ишимизнинг самарали якуни бўлди. Ширин шаҳрида эса ўтган йил давомида ўсмирлар томонидан бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, ахлоқи бузуқ тарбиясизларни жиноятчи даражасигача бориб қолишида биз ўзимиз, яъни жамоатчилик эканку. Уларни фойдали меҳнатга жалб қилмасдан, фуқароларимиз ва ёшларимиз учун янги меҳнат жойларини вужудга келтирмасак, қўнгилдагидек меҳнат қилиш шароитларини яратмасак айниқса ёшларимиз нобоп яшаш йўлларига кириб кетиши аниқ ҳақиқатдир. Шунинг учун давлатни ваколатли органлари ва жамоатчилик юқоридаги муаммоларни биргаликда аниқ дастурлар ва амалий ишлар асосида жойларнинг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олиб ҳал этсалар маъқул эмасми? Ҳа, жамоатчилик олдида ёшлар қалбига фақат эзгуликни, инсонийликни, эътиқодни, имонни ва меҳнатсеварликни сингдиришдан иборат бўлган шарафли ва ута масъулиятли вазифа турибди. Бу улкан вазифани амалга оширишда аввало ота-оналар, мактаб ўқитувчилари, зиёлилар, ҳуқуқ тартибот ҳимоячилари, идора, корхона, муассаса раҳбарлари ва маҳалла фаоллари давлат ва қонун, Ватан олдидаги фуқаролик бурчи эканлигини унутмасдан фаол, масъулиятли сезиб онгли равишда иштирок этишлари ҳаётий заруриятдир.

Толибжон УМАРОВ,
адлия кичик маслаҳатчиси, Ховос туманлараро прокурори.

ЯНГИЙЙЎЛ КОНСЕРВА ЗАВОДИ

Серқуёш республикамизда етиштирилган мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларидан тайёрланган консерваларни (шиша ва тунука идишларда) чекланмаган миқдорда сотади.

СИЗ ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОНСЕРВАЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

— шафтоли, олхўри, олма, узум, тарвуз ва сабзи табиий шарбатлари;
— аччиқ томат соуси, томат пастаси, олма - узум аралашмаси ва қовоқдан тайёрланган шифобахш ичимликлар;
— бақлажон икраси, сабзавот икраси;
— бодрўнг ва помидор маринадлари;
— тузланган аччиқ карам.

Шунингдек, кўп миқдорда кичик идишларга қуйилган — 55 фоиз концентратли олма шарбатидан иборат консервалар ва бошқалар мавжуд.

Маҳсулотларнинг бозор нархларидан бирмунча арзон сотилиши сиз учун яна бир қулайлик яратади.

Ҳақи пул ўтказиш йўли билан тўланади.

Маҳсулотларга мол айирбошлаш имкониятидан фойдаланишингиз мумкин.

Маҳсулотлар йирик улгуржи ва чакана савдо йўли билан етказиб берилади.

Янгийўл консерва ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотларини қанча тез сотиб олсангиз — шунча яхши. Зеро, у ҳамма учун доимо зарур ва жуда фойдали хусусиятларга эгадир.

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗНИНГ ШИФОБАХШ ВА ТЎЙИМЛИЛИГИНИ УНУТМАНГ!

Завод МДҲ республикаларига ҳам юқоридаги тартибда ёки мол айирбошлаш йўли билан чекланмаган миқдорда ўз маҳсулотларини сотади.

Манзилимиз: 702802, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-ўй.
Телефонлар: (код—260), (37-160), 74-740, 74-744, 74-780, 74-781.
ФАКС — 7-57-50, 7-47-80.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Самарқанд вилоят Ургут тумани ички ишлар бўлими томонидан Ургут туман «Бахрин» жамоа хўжалигининг «Янгиқишлоқ» қишлоғида